

А Ж Р И М

(жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш тўғрисида)

2025 йил февраль ойининг 17 кунини жиноят ишлари бўйича Жарқўрғон туман суди биносига, очиқ суд мажлисида, туман суди раиси Т.Бекпулатовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ю.Эшпулатовнинг котиблигида, давлат айбловчиси Жарқўрғон туман прокурорининг катта ёрдамчиси Ш.Хаитовнинг ҳамда Жарқўрғон туман ИИБ ЖХХ пробацция гуруҳи инспектори Ю.Қушақовнинг иштирокида, Жарқўрғон тумани ИИБ томонидан киритилган ХХХХХХ ХХХХХХ ХХХХХХни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан, ўталмай қолган озодликни чеклаш жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилиш тўғрисидаги тақдимномасига асосан тўпланган 1-1901-2301/120-сонли ишни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Маҳкум ХХХХХХ ХХХХХХ ХХХХХХ (ХХХХХХ ХХХХХХ ХХХХХХ), ХХХХ йил ХХ ХХХХХ кунини Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, оилали 3 нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Жарқўрғон туман судининг 2023 йил 4 сентябр кунинидаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 251¹-моддаси 2-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 2 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланган, вақтинча ишсиз, Жарқўрғон тумани “Меҳнат-роҳат” маҳалласида яшайди.

Жарқўрғон туман ИИБ бошлиғи тақдимнома билан муурожаат қилиб, маҳкум ХХХХХХга нисбатан чиқарилган ҳукм нусхаси 2023 йил 28 сентябрда Жарқўрғон туман ИИБ ЖХХ пробацция гуруҳи томонидан рўйхатга олиниб, маҳкумни ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилганлигини, маҳкум ХХХХХХ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси билан таништирилиб, ҳозирги кунда тайинланган жазонинг 1 йил 3 ой 22 кунини ўтаганлиги, маҳкум ўзининг яхши тарафларини кўрсатиб, Жарқўрғон тумани ИИО пробацция гуруҳи томонидан танбех олмаганлиги, қилган жиноятдан пушаймонлиги, ўзига тўғри хулоса чиқарганлигини инобатга олиб, маҳкум ХХХХХХга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасини қўллаб, ўталмай қолган 8 ой 8 кун озодликни чеклаш жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилишни сўраган.

Маҳкум ХХХХХХ суд мажлисида, ҳақиқатдан ҳам ҳозирда озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган 8 ой 8 кунни ташкил этишлиги, у ўзига тўғри хулоса чиқарганлиги, содир этган жиноий қилмишидан пушаймон бўлиб, келгусида бундай ишларга бошқа қўл урмаслиги, уни жазодан озод қилишни сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ Ю.Қушақов суд мажлисида, маҳкум ХХХХХХ ҳозирда озодликни чеклаш жазосининг ўталган қисми 1 йил 3 ой 22 кунни ташкил этишлиги, вазифаларни ўз вақтида бажараётганлиги, суд томонидан қўйилган чекланишларга амал қилиб келаётганлиги, ИИБ ЖХХ пробацция гуруҳи томонидан танбех олмаганлиги, ўзига тўғри хулоса чиқарганлигини баён этиб уни жазодан озод қилишни сўраб кўрсатув берди.

Суд иш материаллари билан атрофлича танишиб чиқиб, Жарқўрғон туман прокурорининг катта ёрдамчиси Ш.Хаитовнинг фикрини эшитиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 2-қисмида “жазони ўташдан муддатидан



илгари шартли равишда озод қилиш, ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумга нисбатан қўлланилади” деган талаблари, 3-қисми “а” бандида “ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланилиши мумкин” деган талабларига риоя қилган ҳолда, маҳкум ХХХХХХни жазони ўташ даврида ўзини ижобий томондан кўрсатганлиги, унинг жазони ўташ тартиб-қоидаларига тўлиқ амал қилаётганлиги, жазони ўташ даврида ҳеч қандай ҳуқуқбузарлик содир қилмаганлиги, суд томонидан тайинланган жазо муддатини ўтаб келаётганлигини инобатга олиб, Жарқўрғон туман ИИБ бошлиғининг тақдимномасини қаноатлантириб, маҳкум ХХХХХХни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни, лозим топди.

Суд, ХХХХХХ ХХХХХХ ХХХХХХга жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасдан янги жиноят содир этган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ЖК 73-моддасининг 5-қисмида назарда тутилган оқибатлар келиб чиқиши ҳақида тушунтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 423, 536, 541-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жарқўрғон туман ИИБ бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

ХХХХХХ ХХХХХХ ХХХХХХ (ХХХХХХ ХХХХХХ ХХХХХХ) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан ўталмай қолган 1 (бир) йил 3 (уч) ой 22 (йигирма икки) кун озодликни чеклаш жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинсин.

ХХХХХХ ХХХХХХ ХХХХХХга жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасдан янги жиноят содир этган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ЖК 73-моддасининг 5-қисмида назарда тутилган оқибатлар келиб чиқиши ҳақида тушунтирилсин.

Ажримдан норози томонлар ажрим устидан у чиқарилган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда шу суд орқали Сурхондарё вилоят судига апелляция тартибида, белгиланган муддат ўтганидан сўнг кассация тартибида шикоят ёки протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи судья

Т.Бекпулатов

